АФСОНАЛАРДА ШОҲЛАР ОБРАЗИ

М.Р.Раҳмонова

Мақолада ўзбек халқ тарихий афсоналарида шоҳлар образининг тасвирланишига хос хусусиятлар ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: *афсона, тарихий афсона, бадиий тўқима, афсонавий шоҳ, Амир Темур, Шоҳи Зинда.*

В статье рассматривается особенности изображения образов падишахов узбекских народных исторических легендах.

Ключевые слова: *легенда, историческая легенда, художественный вымысел, легендарьный шах, Амир Темур, Шохи Зинда.*

The article discusses the specifications of writings about the image of kings in the historical folk legendsf of the Uzbek people.

Key words: *legend, historical legend, the artistic plot, the legendary King, Amir Timur, Shohi Zinda.*

Тарихий афсоналарнинг каттагина қисмида Жамшид, Дал, Қаҳқаҳ, Заҳҳок, Фаридун, Қаёний сингари афсонавий шоҳлар ҳақида ҳикоя қилинади. Бундай афсонавий шоҳлар образидан Абулқосим Фирдавсий Эрон шоҳлари тарихига бағишланган “Шоҳнома” асарида фойдаланган. Жумладан, афсонавий Эрон шоҳи Жамшид, Заҳҳок, Фаридун, уларнинг иккинчи сулоласига асос солган подшо Қаёний образлари Фирдавсий томонидан халқ афсоналарига мос тарзда гавдалантирилган.

М.Р.Раҳмонова *– Бухоро ВПКҚТ ва МОИ тиллар кафедраси мудири, филология фанлари номзоди.*

Ўзбек халқ афсоналари орасида буюк саркарда, шоҳ, соҳибқирон Амир Темур образи иштирокида жуда кўп афсоналар яратилган. Чунки соҳибқирон Амир Темур Самарқанд шаҳрида жуда кўп ободончилик ва яратувчилик ишларини олиб борган. У ўз мамлакатининг барча шаҳарларида кенг қамровли бунёдкорлик ишларини амалга оширган. Янги иншоотлар тиклаган, ўтган улуғларнинг хотирасини эъзозлаган, халқ орасида муқаддас саналган авлиёлар мақбараларини таъмирлаган, мадраса ва масжидлар бино қилдирган. Жумладан, Шоҳи Зинда меъморчилик мажмуасида ҳам Амир Темур ва унинг сулоласи ҳукмронлиги даврида таъмирлаш ва қурилиш ишлари олиб борилган.

Халқ орасида Шоҳи Зинда ҳақида бир неча афсоналар кенг тарқалган. Улардан бирида айтилишича, Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиваччаси Аббоснинг ўғли Қусам узоқ вақт тайёргарлик кўриб, кўп сонли қўшини билан Самарқандга келибди. Самарқандликлар босқинчи-душман деб Қусам ибн Аббос қўшинларига қарши чиқиб, қаттиқ жангга кирибдилар. Кейин кучлари тенг келмай, Самарқандни ташлаб қочибдилар. Шу қочганча қочиб, Панжкент тоғларига чиқиб кетиб, Етти кўл атрофларига жойлашибдилар. Қусам ибн Аббос бошчилигидаги араблар Самарқандни батамом эгаллаб олибдилар. Қусам ибн Аббос шаҳарни бошқара бошлабди.

Қунлардан бир кун Қусам ибн Аббос қўшинида хизмат қилаётган Зеваршоҳ деган бир йигит беш-олтита жўраси билан тил бириктириб, араблар билан алоқасини узибди. Тунда шаҳардан қочиб чиқиб, тўппа-тўғри Панжакентга, Еттисувдаги тоғу тошлар орасида яшаётган ҳамшаҳарлари ҳузурига борибди. Зеваршоҳ Қусам ибн Аббоснинг қўшинини улар намоз ўқиётган пайтда ҳужум килиб енгиш мумкинлигини айтибди. “Улар намоз ўқиётган пайтда тоат-ибодатдан бошқа ҳеч нарсага чалғимайдилар, бутун диққат-эътиборларини намозга, намоз билан биргаликда Аллоҳга қаратадилар”, – дебди.

Бунга ҳамма кўнибди. Зеваршоҳнинг маслаҳати билан самарқандликлар ҳайит намози ўқиб турган Қусам ибн Аббос қўшинлари устига ҳужум қилибдилар. Араблар намоздан бош кўтармабдилар, ён-атрофларида нима гап бўлаётганига қизиқмабдилар. Самарқандликлар арабларнинг ҳаммасини қириб ташлабдилар. Ҳазрати Қусам ибн Аббос бир чоҳ ичига ўзларини олиб Аллоҳ қудрати ила душман қўлидан омон қолиб, ғойиб бўлибдилар. Шу-шу ҳазрат Қусам ибн Аббос ғойиб бўлган жой-чоҳ муқаддас жой ҳисобланибди ва Шоҳи зинда – тирик шоҳ деб ном олибди.

Амир Темурнинг бунёдкорлигини ифодаловчи тарихий ҳақиқат халқ хаёлотининг кўзгусида ўзига хос акс эттирилган. Натижада Амир Темур образи иштирокида жуда кўп афсоналар юзага келган. Уларнинг сюжет тизимида ўзбек фольклорининг бир нечта анъанавий мотивлари ва эпик формулалари учрайди [3.13-15]. Бундай афсоналарда жаҳонгир Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолиятига алоҳида баҳо берилгани кузатилади. Шундай афсоналарнинг бирида айтилишича, Амир Темур узоққа отланган сафарларидан бирида Туркистонга қўниб ўтибди. Бу Ясси қишлоғи бўлиб, унда Аҳмад Яссавий деган шоиру фозил бир киши яшаб ўтган экан. Амир Темурнинг тушида шу жойга ҳазрати Аҳмад Яссавийга атаб бирон-бир мақбара қурдириш аён бўлибди. Ҳукмдор сафарни кечиктириб мақбара қуришни бошлаб юборибди. Мақбара режаси чизилиб, қуришга фотиҳа олиниб, иш бошланиб кетибди. Бир кунда анча-мунча иш бўлганидан мамнун Амир Темур ўз қароргоҳига кириб кетибди. Эртасига эрталаб қурилиш бошига келган қурувчилар қурилишнинг бузилиб ётганини кўришибди. Дарров Амир Темурга хабар беришибди. Жаҳонгир қурилишга келиб, унинг бузилиб, вайрон бўлиб ётганини кўрибди. Нега бундай бўлганини ҳеч ким айтиб беролмабди. Ҳукмдорнинг буйруғи билан қурилиш ишлари тикланиб, жадал суръатлар билан давом эттирилибди. Кеч бўлиб, қоронғу тушгач, ҳамма чодир-чодирларига тарқалишибди. Эртасига эрталаб қурилиш тепасига келган қурувчилар мақбара бузилиб вайрон ҳолда ётганини кўриб ҳайрон бўлишибди. Тезликда Амир Темурга хабар беришибди. Ҳукмдор қурилиш бошига етиб келиб, унинг вайрон бўлиб ётганини кўриб ҳайрон бўлибди. “Қилган ишим яратган тангримга маъқул тушмадимикин”, деган ўйга борибди. Кейин: “Қани, бугун ҳам ишлайлик-чи, эртага нима бўларкин?” деб ўйлаб, қурилишни давом эттиришни амр килибди. Ҳамма ишга киришиб, бинони кўтара бошлабди. Кеч бўлиб, қоронғи тушгач, ҳамма ўз чодир-чодирларига қараб кетибди. Эртасига келиб қарашса, бино яна бузилиб ётган эмиш. Шунда Темур: “Ишни давом эттиринглар, тунда эса беш-ўн кишини қоровул қилиб қўйинглар”, – деб буюрибди. Кеч бўлиб, қоронғу тушгач, ҳамма ўтов-ўтовига тарқабди. Қолган қоровуллар мижжа қоқмай ўтиришса, ярим тунда бир баҳайбат ҳўкиз келиб курилишни буза бошлабди. Қоровуллар яна нима бўларкин, деб пойлаб туришса ғойибдан: “Аҳмад Яссавий жиянлари Занги ота туғилган чоғда “Жиянимга мендан аввал мақбара қуринглар” деб васият қилганлар”, деган овозлар келибди. Қоровуллар бошлиғи Амир Темурнинг ҳузурига бориб бўлган воқеани

айтиб берибди. Жаҳонгир: “Э, гап бу ёқда экан-да” деб, Аҳмад Яссавий мақбарасини тўхтатиб, Занги отага атаб мақбара қуришни бошлаб юборибди. Туркистоннинг ўртасидан то Занги ота мақбарасигача бўлган бир неча тош йўлда одамлар саф тортишиб, ғиштларни қўлма-қўл узатишибди. Занги отага атаб қурилган мақбара тугагач, Аҳмад Яссавий мақбарасини қуришга киришилибди. Ҳар иккала мақбара битиб, кўнгли тинчигач, Амир Темур сафарга отланибди. Шу-шу Жаҳонгир узоқ сафарга отланганида шайх Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилар экан. Туркистонга бориб, Аҳмад Яссавий мақбарасида бир тун тунаб, Занги ота мақбарасини зиёрат қилиб, сўнг сафарга отланар экан.

Амир Темур ҳаётда тийрак шахс бўлган. Унга хос бу фазилат афсоналарда ўзига хос усулда бўрттирилади. Айтишларича, Амир Темурнинг икки кўзи жуда ўткир экан. Жангу жадал, ур-сурда қиличи, ўқ-ёйи иш берса яккама-якка келганда кўзи ўлдирар экан. Шунинг учун душманлари орасида жангу жадалда ўқ-ёй олсин, қилич дамига учрайлигу, Жаҳонгирнинг кўзидан Худо сақласин, деган гап-сўз юрар экан.

Соҳибқирон кўз қирини ташлаш билан ёнларидаги кишини эсдан оғдирсалар, тиклаб қараш билан уни ўлдирар эканлар. Шу боисдан ҳеч ким – саркардами ё амалдорми, ёшми ё кексами у кишининг кўзларига тик қаролмас экан. Бир куни шундай воқеа рўй берибди. Соҳибқирон бир мамлакатга бориб, кўп сонли қўшинни енгиб, у ерни эгаллабдилар. Енгилиб таслим бўлган юртнинг султони ҳам мард, жасур, қўрқмас экану, аммо қўшини ичидан хиёнатчилар чиқиб, енгилиб таслим бўлганини ҳам билмай қолибди. Таслим бўлган султоннинг ҳам кўзи ўткир бўлиб, тикилганни йиқитмай қўймас экан. Яшнаб турган дарахтга қараса, уни қуритар; сувдаги балиққа тикилса, уни жонсизлантирар экан. Хуллас, унинг кўзига унча-мунча ҳайвон, жонзот чидай олмай, тикилган заҳоти қулаб тушар экан. Султон қилич, ёй билан енголмай қўлга тушгани билан кўзи ёрдамида енгишга аҳд қилибди. Асир олган кишиларга қараб: “Мени олампаноҳ Темурга рўбарў қилинглар, унга айтадиган икки-уч оғиз зарур гапим бор”, – дебди. Бу гапни соҳибқиронга еткизишган экан, у: “Олиб келинглар!” – деб амр қилибди. Енгилган султонни соҳибқиронга рўбарў қилибдилар. Султон Темурга шундай тикилибдики, соҳибқирон безгак тутгандай қалтираб қолибди. Султон яна ва яна тикилиб қарабди. Соҳибқиронни безгак тутгандан тутаверибди. Кейин Амир Темур ҳам султонга қараш қилибди. Бир қараш қилганда султоннинг вужудини иссиқ ҳарорат қоплабди. Иккинчи қараш қилганда нафас олиши қийинлашиб, ўрнига ўтириб қолибди. Учинчи қараш қилган экан, қўлга тушган султон ақлдан озиб қулаб тушибди-да, устидаги уст-боши ёна бошлабди. Шунда соҳибқирон: “Бунинг устига челаклаб сув қуйинглар-да, саройдан олиб чиқиб ҳовузга ташланглар. Уст-боши ёнишдан тўхтаса ҳам, бадани ҳаливери ўчмайди”, – дебдилар.

Тасаввуфшунос Нажмиддин Комилов: “Каромат кўрсатиш, ғайб асроридан огоҳлик, хорикулодда ҳолатларни намоён қилиш машойих ва авлиёларнинг хислатидир”, – деб ёзади ва бунга “назарнинг ўткирлиги” ҳам мансублигини таъкидлайди [2.179-181]. Демак, юқоридаги афсонада Амир Темурни авлиёларга хос бўлган “назарнинг ўткирлиги” хислати билан тасвирлаш орқали унинг оддий инсонлардан фарқли равишда, ғаройиб фазилатли, авлиё даражасидаги улуғ инсон эканлигига урғу берилаётир.

Ҳукмдор шоҳ ва саркарда Амир Темур образи иштирок этган “Амир Темур ғори” афсонаси [1.109] моҳир саркарданинг, соҳибқироннинг топқирлигини мадҳ қилишга қаратилган. Ҳисор тоғидаги Амир Темур ғори ҳақида шундай афсона бор: айтишларича, Тарағай қишлоғида туғилган Темурбек улғайгач, тез орада Шаҳрисабз беклигини ўз қўлига олади. Кейин Самарқанд амирининг овда эканлигидан фойдаланиб, шаҳарнинг қадимий қалъасини босиб олади. Аммо орадан бир ярим ой ўтгач, жангда мағлуб бўлиб, ўзининг содиқ навкарлари билан Ҳисор тоғига чекинишга мажбур бўлади. Бу унинг илк, аммо сўнгги мағлубияти экан.

Мағлубият алами навқирон Темурбекни тиниб-тинчитмайди. У ўзининг муаллими ва пири бўлмиш Шамсуддин кулол ҳузурига бориб кўнглини очади.

– Шошилма бек, – дейди Шамсуддин кулол вазминлик билан, – Сунбула келишини кут. Пишиқчилик бошланиши билан дарё сувининг сатҳи пасайиб, тиниқади. Унгача ҳар бир навкарингга пишиқ пухта меш тайёрлат. Яккабоғнинг юқорисига бориб, тўққиз қудуқни топасан. Ўртадагисига энгашиб, қулоқ солсанг, ер ости дарёсининг шовури эшитилади. Мешларни шишириб, тунда навкарларинг билан қудуққа туш! Ер ости дарёсининг тўлқинлари сизларни қоронғулик бағрига олиб кетади. Кўп сузиб юргач, бирдан қаршингиздан сутдек нурнинг ойдин устуни кўринади. Шунда эҳтиёт бўл, манзилга яқинлашган бўласан. Худди шу пайт тўлин ой қудуқнинг тепасида нур сочиб турган бўлади. Оқим суриб кетмаслиги учун қудуқнинг деворларига ёпишиб ол. Бу қудуқнинг деворларидаги зинапоялардан оҳиста кўтариласан ва

Самарқанд қалъасининг бозор майдонидан чиқасан. У ёғи шамширнинг иши.

Темурбек пирининг гапларини диққат билан тинглаб, унга амал қилади. Жума куни эрталаб навкарлар даштдан майин сомон тўплаб, ғорга келтиришибди. Бек қуёш чиқиши билан сомон тўла қопларни ғор ўртасидаги қудуққа тўкишни буюрибди. Навкарлар қирқ қоп сомонни қудуққа ағдарибдилар.

Орадан бир неча кун ўтиб, одамлар тоза сувни булғагани учун сомончиларни лаънатлаб, ғавғо кўтарилибдилар. Бундан хабар топган хон бозор майдонида сомончиларни дорга торттирибди.

Буни эшитган Темурбек мийиғида кулиб қўйибди... Сунбуланинг иккинчи куни жарчилар буюк Амир Темур Самарқанд ҳоқони бўлганлигини халққа маълум қилибдилар.

Хуллас, ўзбек халқ афсоналари орасида шоҳлар ҳақида яратилган афсоналар ҳам мавжуд. Шуни инобатга олиб, бундай афсоналарни тарихий афсоналарининг мавзуий бир гуруҳи сифатида таснифлаб кўрсатиш мумкин. Уларда бирор-бир таниқли шоҳ биографияси хаёлий уйдирма асосида ҳикоя қилинганлиги кузатилади.

Адабиётлар:

1. Ипак йўли афсоналари. Жой номлари билан боғлиқ афсоналар. Тузувчи, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М.Жўраев). – Т.: Фан, 1993. – 128 б.

2. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат ҳамда “Ўзбекистон” нашриётлари, 1999. – Б.179-181.

3. Массон М.Е. Соборная мечеть Тимура, известная под именем мечети Бибиханум.- Самарқанд, 1929. – С.13-15.

2014 йил 25 ноябрда қабул қилинган

(Тақризчи: проф. С.Мирзаева)